



## Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт Объектларида Фуқаро Мухофазаси Ҳужжатларини Ишлаб Чиқиши Муамолари Ва Уларни Хориж Тажрибаси Асосида Такомиллаштириш

**Абдиқодиров Хуснитдин Шокирович**

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Шаҳрисабз “Темурбеклар мактаби”  
ҳарбий-академик лицей директори.

**Қосимов Жўрабек Содикович**

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Шаҳрисабз “Темурбеклар мактаби”  
ҳарбий-академик лицей директорининг биринчи ўринбосари

**Боймирзаев Абдусаттор Эгамшукурович**

Ўзбекистон Республикаси Фавқулодда вазиятлар вазирлиги Академияси хузуридаги Фуқаро  
мухофазаси институти кафедра доценти

## Problems of Development of Civil Defense Documents in the Economic Facilities of the Republic of Uzbekistan and Their Improvement on the Basis of Foreign Experience

**Abdikodirov Husniddin Shokirovich**

Director of the military-academic lyceum "School of Temurbeks" Shahrisabz of the Ministry of Emergency  
Situations of the Republic of Uzbekistan.

**Kosimov Jurabek Sodiqovich**

First Deputy Director of the Military-Academic Lyceum "School of Temurbeks" Shahrisabz of the Ministry  
of Emergency Situations of the Republic of Uzbekistan

**Boymirzaev Abdusattor Egamshukurovich**

Associate Professor of the Institute of Civil Defense under the Academy of the Ministry of Emergency  
Situations of the Republic of Uzbekistan

### ABSTRACT

мазкур мақолада Россия Федерациясининг иқтисодиёт объектларида Фуқаро муҳофазаси бўйича ҳужжатларни ишлаб чиқишидаги илғор тажрибаси ўрганиб чиқилган ва таҳлил қилинган. Иқтисодиёт объектларида фуқаро муҳофазаси бўйича масъул шахсларни ахолини ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларни бартараф этиш, ҳамда меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўйича тайёргарликдан ўтказиш, мамлакатимиз иқтисодиёт объектларида Фуқаро муҳофазаси бўйича норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқишини жорий этиш юзасидан таклифлар берилган.

### ARTICLE INFO

Received: 11<sup>th</sup> January 2022

Revised: 10<sup>th</sup> February  
2022

Accepted: 27<sup>th</sup> March 2022

### KEY WORDS

фавқулодда вазият,  
фавқулодда вазиятлардан  
муҳофаза қилиш, фавқулодда  
вазиятларнинг олдини олиш,  
фавқулодда вазиятларни  
бартараф этиш, ФВДТнинг  
функционал қуви тизими,

в данной статье освещен передовой опыт разработки документов гражданской защиты на экономических объектах Российской Федерации, защиты ответственных лиц, населения и территорий на экономических объектах в чрезвычайных ситуациях, предупреждение чрезвычайных ситуаций и проведение подготовки по разработке нормативно-правовых документов по их устранению, даны предложения по внедрению нормативных и правовых документов по Гражданской защите на экономических объектах в стране.

In this article discussing the great experiences of the legal documents by civil protection in the economy of the Russian Federation, to protect responsible persons, population and territories from emergency situations in the economic buildings, to create the documents according to prevent and eliminate of emergency situations, to create the legal documents some suggestions are given by civil protection in economic buildings.

ФВДТнинг худудий куйитизими, фуқаро муҳофазаси, иқтисодиёт обьекти, фуқаро муҳофазаси хужжатлари.

чрезвычайная ситуация, защита населения и территорий в чрезвычайных ситуациях, устранение чрезвычайных ситуаций, функциональная подсистема ГСЧС, территориальная подсистема ГСЧС, гражданская защита, экономический объект, документы гражданской защиты.

emergency situation, to protect population and territories from emergency situations, to prevent emergency situations, to eliminate of emergency situations, functional system of State system emergency situations, civil protection, economic building, the documents of civil protection.

Дунёда юз берәётган иқлим ўзгариши, технологияларнинг ривожланиши, ресурслар танқислиги ва инсонларнинг тобора табиат қоидаларига фаол аралашуви шароитида, содир бўлиши мумкин бўлган йирик фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш долзарб вазифалардан биридир. Иқтисодиёт обьектларида Фуқаро муҳофазаси (кейинги матнларда ФМ деб юритилади) бўйича норматив-хукукий хужжатларнинг ишлаб чиқилиши, уларни ҳар томонлама хавфсиз фаолият юритиши, инсонларнинг ҳаёти, соғлиги ва мол-мулкини муҳофаза қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бу борада бир қатор хорижий давлатларда хукукий ва институционал асосларга эга механизмлар ишлаб чиқилгани ҳамда амалиётда самарали натижа берәётгани кузатилмоқда. Жумладан, иқтисодиёт обьектларида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларда харакат килиш тизими айrim МДҲ давлатларида жорий этилганини ва такомиллаштирилиб борилаётганини кўриш мумкин.

Россия Федерацияси бугун ҳар томонлама ривожланган давлатлар қаторида эканлиги, барча соҳалар каби фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва оқибатларини тезкорлик билан бартараф этишда, мавжуд куч ва воситаларнинг тайёргарлик даражасига алоҳида эътибор берадиган ва бу борада Ўзбекистон Республикаси билан доимий ҳамкорликдаги мамлакатлардан биридир.

Маълумки, Россия Федерациясида ҳар йили йирик фавқулодда вазиятлар юз беради ва анчамунча моддий зарап келтиради. Мамлакатда иқтисодиёт обьектларининг ФМ бўйича тадбирларни амалга оширишда обьектлар раҳбарларининг мажбуриятлари Россия Федерациясининг 1994 йил 11-ноябрдаги “Аҳоли ва худудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш тўғрисида”ги Федерал Қонунининг 14-моддасида, иқтисодиёт обьектлари раҳбарлари фуқаро муҳофазаси бўйича тадбирларни ўз вақтида режалаштириши ва ўтказиши, мавжуд куч ва воситаларнинг тайёргарлиги ҳамда фавқулодда вазиятларнинг оқибатларини бартараф этиш бўйича тегишли захираларни яратиши бўйича мажбуриятлар, белгилаб берилган [1].

Иқтисодиёт обьектларининг ФМ хужжатларини расмий-лаштиришдаги муҳим вазифаларида бири - хужжатларни ўз вақтида қонун талаблари асосида ишлаб чиқиши, келишиш ҳамда белгилангандудатларда аниқликлар киритиб бориш[2]. Юкорида келтирилган талаб асосида ҳар бир обьектда

ФМ бўйича хужжатларни расмийлаштириш ўзининг ижобий натижасини беради. Иқтисодиёт объектлари раҳбарлари ФМ режаларини ишлаб чиқиш ҳамда амалиётга жорий қилиш, шунингдек, мавжуд куч ва воситаларнинг тайёргарлиги учун тегишли ваколатлари доирасида қарорлар қабул қиласидар [3].

Бу эса ўз навбатида иқтисодиёт объектларида тегишли режаларни амалиётга тақдим этишга ҳамда ФМ тузилмалари ва бошқа куч воситаларининг тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қиласидар.

Россия Федерациясининг иқтисодиёт объектларида ФМ бўйича хужжатларини ишлаб чиқиш тажрибасини ўрганиш жараёнида бир қатор муҳим жиҳатлар яққол кўзга ташланади. Жумладан, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва худудий бошқармалари томонидан ишлаб чиқилган ва тасдиқланган иқтисодиёт объектларида ФМ бўйича ишлаб чиқиладиган хужжатлар рўйхати ҳар бир иқтисодиёт обьектининг ишчи ва хизматчиларнинг сони ҳамда обьектларнинг тоифа даражаси, ишлаб чиқариш имкониятидан келиб чиқиб белгиланган.

Иқтисодиёт обьектларида ФМ бўйича ишлаб чиқиладиган хужжатларнинг рўйхати аниқ шакллантирилган бўлиб, шу орқали рўйхатда кўрсатиб ўтилган хужжатлар ишлаб чиқилади ва ижроси таъминланади. Бу эса ўз навбатида иқтисодиёт обьектларида ФМ бўйича хужжатларни ўз вақтида ишлаб чиқиш ва тегишли ўзгартиришлар киритиб бориш имкониятини беради ҳамда обьект ФМ бўйича муҳандисларни ўз ишига нисбатан эътиборли бўлишларига ёрдам беради.

Иқтисодиёт обьектларида меъёрий-хуқукий хужжатларни ишлаб чиқиш ва обьектларда ФМ бўйича тадбирларни ташкиллаштиришга ёрдам берувчи маҳсус фирмалар бўлиб, улар шартнома асосида юқорида белгиланган хизматларни кўрсатиши йўлга қўйилган.

Иқтисодиёт обьектларида ФМ бўйича хужжатларни ишлаб чиқиш йўналишида услубий қўлланмалар ва тавсияларнинг тайёрланганлиги, амалиётга татбиқ этилганлиги, масалан, С.В.Кульпинов томонидан ишлаб чиқилган ўкув қўлланмада иқтисодиёт обьектларининг фуқаро муҳофазаси муҳандисининг иш фаолияти, тегишли комиссиялар ва аъзоларининг функционал вазифалари ҳамда ҳукуқ ва мажбуриятлари берилган бўлиб, шу билан биргаликда иқтисодиёт обьектларида ишлаб чиқиладиган хужжатлар рўйхати ва номенклатураси ҳамда тегишли хужжатларни ишлаб чиқиш макетлари кўрсатиб ўтилган[4]. Ўз навбатида юқорида келтирилган тажрибадан иқтисодиёт обьектларида ФМ бўйича хужжатларни ишлаб чиқиша маъсул ходимлар учун асосий қўлланма сифатида фойдаланиш мумкин.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ва худудий бошқармаларининг маҳсус интернет сайтларида иқтисодиёт обьектларида ФМ хужжатларнинг рўйхати, уларни ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш бўйича маълумотларни олишимиз мумкин. Бу эса, ўз навбатида, иқтисодиёт обьектларида ФМ бўйича хужжатларни ишлаб чиқиш тадбирларини сифатли ва ўз вақтида ташкил этилишига хизмат қиласидар. Бундан ташқари иқтисодиёт обьектларида ишлаб чиқиладиган хужжатлар тўплами берилган бўлиб ҳар бир тўплам ичида ФМ хужжатларининг аниқ рўйхати белгилаб берилганлиги ФМ бўйича мутахассисларнинг ўрни алмашган тақдирда ҳам хужжатларни юритиш ва сақлашда муаммоларни келтириб чиқармаслигига хизмат қиласидар. Мазкур рўйхатда кўрсатиб ўтилган хужжатлар намуналарини обьектларда жорий этиш хужжатларни юритиш бўйича юзага келадиган ҳар хил баҳсларнинг олдини олишга хизмат қиласидар.

Россия Федерацияси Фавқулодда вазиятлар вазири томонидан 2001 йил 9-июлда тасдиқланган иқтисодиёт обьектларининг ФМ мутахассислари учун 108, 72 ва 36 соатли иш дастурлари асосида фуқаролик мудофааси ва фавқулодда вазиятлар учун ўкув-методик марказларидаги ФМ курсларида тайёргарлиқдан ўтказилиши ҳамда ўқитишнинг асосий йўналиши сифатида норматив-хуқукий ва режалаштириш хужжатларини ўрганиш, фуқаролик мудофааси фаолиятини ташкил этиш ва ўтказиш, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, аҳолини ва худудларни ҳимоя қилиш учун функционал мажбуриятларни бажаришда амалий кўнималарни такомиллаштиришдан иборат эканлиги қайд этилган.

Хулоса қилиб айтганда, Россия Федерациясининг иқтисодиёт обьектларида ФМ хужжатларини ишлаб чиқиша ҳар обьектнинг тоифа даражасидан келиб чиқиб, ягона рўйхат шакллантирилганлиги, ФМ бўйича маъсул шахсларнинг ўкув марказларида норматив-хуқукий

хужжатларни расмийлаштириш бўйича малака оширишлари, худудий бошқармаларнинг ижтимоий тармоқларидағи расмий саҳифаларида ФМ хужжатларини расмийлаштириш бўйича маълумотларнинг мавжудлиги ва ФМ бўйича хужжатларни ишлаб чиқишида хусусий фирмалар томонидан хизмат кўрсатилишини мамлакатимизга кенг жорий қилиш имконияти мавжуд. ФМ хужжатларини расмийлаштириш бўйича онлайн платформа орқали дарс машғулотларини ташкил этиш, ФМ соҳасидаги қонунларида белгиланган вазифаларнинг ижросини тўлақонли таъминлаш, ФМ тузилмаларини ташкил этиш бўйича хужжатларни ишлаб чиқишида, ушбу обьектларнинг тоифа даражасини, обьектлар учун мавжуд бўлган таҳдид ва хавфларни, географик жойлашувини, технологик жараёни ва ишлатиладиган хомашёларнинг турлари ва миқдорини, обьектларда юзага келиши мумкин бўлган вазиятлар ва мавжуд шарт-шароитлар, ишчи-хизматчилар ҳамда аҳолининг сони ва зичлигини инобатга олиш, ФМ тузилмаларининг фаолияти самарадорлигини ошириш, уларнинг моддий-техник таъминоти меъёрини давр талаблари асосида жиҳозлаш, вазирлик ва идораларнинг штат бирликлари ва мулкчилик шакли ўзгартирилганлигини инобатга олиш ҳал қилиниши зарур бўлган асосий вазифалардир.

Юқоридаги хуносадан келиб чиқсан ҳолда, Россия Федерациясининг обьектларда ФМ хужжатларини ишлаб чиқишида илғор тажрибасини мамлакатимизда жорий қилиш бўйича қўйидаги таклифларни билдирамиз:

**Биринчидан**, тинчлик ва алоҳида даврда аҳолини ва худудларни фавқулодда вазиятлардан муҳофаза қилиш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, норматив-хукуқий хужжатларни ишлаб чиқиш ва ижросини таъминлаш [5] асосий вазифа бўлиб, иқтисодиёт обьектларида ФМ бўйича юритиладиган хужжатлар тизимнинг элементи сифатида фаолият юритиши. Чунки ФМ хужжатлар тизими ФВДТнинг функционал ва худудий тизимости элементлари ФВнинг олдини олиш ва уларнинг ижтимоий-иқтисодий оқибатларини камайтиришга қаратилган фаолиятини кучайтиришга хизмат қиласи.

**Иккинчидан**, ФМ хужжатлар тизимининг ташкилий структураси асосини ФВДТ таркибидаги вазирлик, идораларнинг ташкилий структураси ташкил этиши ва шунга мос равишда бошқарув уч даражада: *республика, маҳаллий ва объект* бўйича ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Бунда ҳар бир даражада бўйича алоҳида ФМ хужжатларининг ишлаб чиқилиши назарда тутилади.

**Учинчидан**, хорижий давлатлар тажрибаси асосида иқтисодиёт обьектларида ФМ хужжатларининг ягона тизимини яратиш ва иқтисодиёт обьектларида ФМ соҳасида амалиётга татбиқ этиш бўйича тегишли меъёрий-хукуқий хужжатларини ишлаб чиқиш. ФМ бўйича норматив-хукуқий хужжатларни ишлаб чиқиш ва юритишида обьектларнинг тоифа даражаси, ишлаб чиқаришдаги хавфлилек даражасини инобатга олиб хужжатлар рўйхати аниқ белгилаб берилиши лозим. Иқтисодиёт обьектларида ФМ бўйича хужжатларнинг тўғри ишлаб чиқилиши текшириш ва уларнинг ижросини таъминлаши бўйича холис баҳо бериш имкониятини яратади. Сабаби, иқтисодиёт обьектларининг ФМ бўйича тайёргарлик даражаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9-июль кунидаги 369-сонли қарорининг 1-иловасида белгиланган тартибда тузилмаларнинг шайлиги баҳоланади [7].

**Тўртинчидан**, Россия Федерацияси тажрибаси асосида иқтисодиёт обьектларида ФМ бўйича ишлаб чиқиладиган хужжатларнинг рўйхатини шаклантириш ва хужжатлар рўйхатига киритилган бандларни Фуқаро муҳофазаси бўйича республикамиздаги мавжуд бўлган меъёрий-хукуқий асосларига боғлаш. Келгусида, республикамиздаги иқтисодиёт обьектларида ФМ бўйича хужжатларнинг ягона намунасини яратиш тизимиға оид норматив-хукуқий хужжатларни ишлаб чиқиш жараёнини республикамиздаги ФМ бўйича қонун хужжатларига асосланган ҳолда боғлаш, яъни ишлаб чиқиладиган хужжат қайси меъёрий-хукуқий хужжат асосида ишлаб чиқилишига алоҳида эътибор қаратиш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19-сентябрдаги 754-сонли қарори ижросини таъминлашга ва иқтисодиёт обьектларида ишлаб чиқилиши зарур бўлган хужжат рўйхатини аниқ ва конунуий тартибда шаклантиришга ёрдам беради[6].

**Бешинчидан**, Фавқулодда вазиятлар вазирлигининг ва худудий бошқармаларининг сайтларига иқтисодиёт обьектларида ФМ бўйича хужжатларнинг рўйхати, уларни ишлаб чиқиш ва расмийлаштириш тартиби бўйича маълумотларни жойлаштишимиз зарур бўлади. Шунингдек, ФМ

бўйича хужжатларни ишлаб чиқиш ва тўғри расмийлаштириш юзасида ўкув қўлланмалар ва тавсиялар, иқтисодиёт объектларида фуқаро муҳофазасини ташкил этиш тартиби бўйича адабиётларни яратиш масаласини ижобий ҳал этиши.

**Олтинчидан** Вазирлик ва идоралар томонидан иқтисодиёт объектларидағи ФМ бўйича маъсул ходимларни Фуқаро муҳофазаси институти ва Фавқулодда вазиятлар бошқармаларидағи Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги ўкув марказларида ўқитиши давомида ўкув дастурларида ФМ хужжатларини ишлаб чиқиш тартиби ва юритилиши бўйича дарс соатларини кўпайтириш, ўкув курси якуннада ҳар бир тингловчи томонидан объектнинг ФМ бўйича хужжатларини ишлаб чиқиш бўйича назорат ишларини амалий топширишини жорий этиши. Ҳудудий бошқармалар томонидан ҳар йили декабрь ойининг биринчи ўн кунлигига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шахридаги мавжуд иқтисодиёт объектларининг ФМ бўйича маъсул ходимлари иштирокида фуқаро муҳофазаси тадбирларини режалаштириш, янги қабул қилинган меъёрий-норматив хужжатлар талабларини етказиш бўйича “мастер класс” ўтказиши жорий қилиш.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Г.Н.Кириллова умумий таҳрири остида. Организация и ведения гражданской обороны и защиты населения и территорий от чрезвычайных ситуаций природного и техногенного характера. Учебного пособие 55 стр. Москва 2011 года
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 26-августдаги “Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда ҳаракат қилиш давлат тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 515-сонли Қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ахборот-хуқуқий тизими “Lex.uz”
3. С.В.Кульпинов. Практический минимум уполномоченного на решение задача в области гражданской обороны объекта. Институт риска и безопасности. 128 стр Москва 2011 года
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 9-июндаги “Ўзбекистон Республикаси Фуқаро муҳофазаси тузилмалари ва улар тузиладиган ташкилотларни белгилаш тартиби тўғрисидаги Низомнинг ҳамда тузилмаларни моддий-техник воситалар билан таъминлаш (табелаштириш) меъёрини тасдиқлаш тўғрисида”ги 369-сонли қарори. 14 бет.
5. Россия Федерациясининг 1994 йил 11-ноябрдаги “Аҳоли ва ҳудудларни табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофaza қилиш тўғрисида”ги Федерал қонуни //www.mchs.gov.ru сайти маълумотлари.
6. Н.А.Крючка под общей редакцией. Курс лекций и методические разработки по гражданской обороне и защите от чрезвычайных ситуаций для обучения работников организаций и других групп населения. 149 стр Москва 2011 года.
7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 19-сентябрдаги “Аҳолини ва ҳудудларни табиий ҳамда техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлардан муҳофaza қилиш, фуқаро муҳофазаси, шунингдек, кичик ҳажмли кемалардан хавфсиз фойдаланиш соҳасида давлат назоратини олиб бориши тартиби тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 744-сонли қарори. // Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги ахборот-хуқуқий тизими “Lex.uz”